

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!




Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
9-avgust,
seshanba

№ 93
(3754)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 25 йиллиги

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида қалбимизга чексиз ғурур бағишлаб турган нарса шуки, Ўзбекистон чорак аср ичида мустақил давлат сифатида шаклланиш баробарида халқаро ҳамжамиятнинг пешқадам мамлакатлари қаторидан жой олишга улгурди. Бу, албатта, мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ҳаётий гоилар ва оқилона дастурлар ижроси самарасидир. Буни дунё аҳли тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб эътироф этмоқда.



Қалбда ғурур, шижоат билан

Яна бир фахрланарли ҳолат эса Самарқанд вилоятининг ана шу улуг қарвонда ўз ўрнига, нуфузига эғалигидир. Вилоятимизда сўнгги 25 йил ичида барча жабҳаларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчи ўринда, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари мутасил ўсиб бориши, жамиятда ресурсларнинг адолатли тақсимланишига катта эътибор берилиши кўзга ташланади. Шу маънода юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтираётгани билан аҳамиятлидир. Демократик, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» тамойили асосида олиб борилган ислохотлар тўғрисида мамлакатимизда барча соҳа, ҳуСУсан, иқтисодиёт мутаносиб ҳолда ислох этилди ва ривожлантирилди.

Натижада, изчил ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Давлатимиз томонидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий табиий-иқтисодий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш борасида яратиб берилган имконият ва шарт-шароитлар тўғрисида вилоятимиз иқтисодиёти тубдан ўзгарди. Кейинги йилларда жаҳонда кечаётган иқтисодий инқироз шароитида бир қатор мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашди, инфляция суръатлари тезлашди ва инвестициявий фаоллик пасайди. Дунёда шундай салбий ҳолатлар содир бўлаётган бир пайтда Ўзбекистон, жумладан, вилоятимизда иқтисодий курсаткичлар тобора ўсиб бормоқда. ХуСУсан, 2015 йилда вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш таъминланиб, 11 триллион 248 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг биринчи чорак якунида эришилган ижобий натижалар ҳам эътиборга молик. Ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми шу даврда 2 триллион 108 миллиард сўмни ёки ўсиш даражаси 9,4 фоизни ташкил этди. Йил бошида тасдиқланган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 112 фоизни, аҳоли жон бошига саноят маҳсулотлари 403,9, истеъмол товарлари 220,2, пулли хизматлар 194,9 ва чакана товар айланиши 409,7 минг сўмни ташкил этганлиги мамлакатимизда иқтисодий ўсишни ҳар томонлама таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Аини кунда вилоятда 16 мингга яқин кичик бизнес ва хуСУсий тadbirkorлик субъекти фаолият юритмоқда. Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноят палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят

касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида имзоланган уч томонлама келишув асосида мазуқ тармоқ субъектлари фаолиятини эркинлаштириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ юкини изчил камайтириш, улар фаолиятига асосиз аралашувларга барҳам бериш юзасидан қатор амалий чоралар кўрилмоқда. Чунончи, хуСУсий тadbirkorлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш ва рақобат муҳитини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши натижасида ижобий самарага эришилди. Ялли, тadbirkorларнинг вилоят ялли ҳудудий маҳсулот таркибидagi улуши 67,7 фоизни ташкил этди. Бугун вилоятдаги банд аҳолининг 85 фоизи айнан шу соҳа улушига тўғри келмоқда.

▲(2-3).



XXXI ёзги
Олимпия ўйинлари

Юртнинг шонли полвонлари

Мамлакатимиз спортчилари Олимпия ўйинларида яхши натижаларни қайд этишни бошлаб юборишди. Дзюдо бўйича терма жамоамиз аъзоси Диёрбек Ўрозбоев Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида делегациямиз ҳисобига дастлабки медални келтирди.

60 кг. гача бўлган полвонлар беллашувида истеъдодли спортчимиз Австралия, Швейцария, Бразилия ҳамда Грузия терма жамоаси аъзоларини мағлуб этиб, бронза медалини қўлга киритди. — Биринчилардан бўлиб бахсларга киришиш кишидан катта масъулиятни талаб қилади. Мен бунга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр эдим. Таъкидлаш жоизки, биз спортчиларга давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор ўз натижасини кўрсатмоқда. Олимпия ўйинларидаги биринчи медалимни мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлайман. Бу барчамизнинг ютуғимиздир, — дейди Диёрбек Ўрозбоев.

Яна бир дзюдочимиз Ришод Собиров ҳам Олимпиададан курак қайтмайди деган бўлди. Бунга қадар полвонимиз 2008 йили Пекин шаҳрида, 2012 йили эса Лондон Олимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритганди. Ҳар икки Олимпия ўйинларида тахрибали полвонимиз 60 кг. вазн тоифасида совриндорлар сафидан ўрин эгаллаган бўлса, Рио-де-Жанейрода 66 кг. вазн тоифасида Ватанимиз шарофини ҳимоя қилиб, дунёнинг етакчи полвонларидан бири эканлигини амалда яна бир бора исботлади. Саралаш бахсларида Беларус ва арбуалик дзюдо усталарини енган Ришод, чорак финал баҳсида корейлик спортчига имкониятни бой берди. Шундан сўнг, ўтиш мусобақасида бронза медали учун курашни давом эттирган ҳамюртимиз дастлаб Доминикан Республикаси вакилини, сўнгра словениялик полвонни мағлуб этди ва қаторасига учинчи Олимпия ўйинларида совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

— Албатта, қаторасига учинчи бор Олимпиадада бронза медалига сазовор бўлиш осон эмас. Бундай ғалабаларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда спорт соҳасининг ривожига яратиб берилаётган шароитлар, билдирилаётган юксак даражадаги ишонч бизни янгидан-янги зафарлар сари қорламмоқда, — деди ОАВ вакиллари билан суҳбатда Ришод Собиров.

Шу тариқа, мамлакатимиз Истиклолга эришгандан буён ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз томонидан қўлга киритилган медаллар сони 21 тага өтди. Шундан 5 таси (иккита кумуш ва учта бронза) дзюдо усталаримизга тегишлидир.

▲(4).

Ўшларга оид давлат сиёсати — амалда

Фидойи, изланувчан, ташаббускор

ёшларга «Камолот» уйлари насиб этмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ҳудудларда янги тураржой ва инфра-тузилма иншоотлари, ижтимоий соҳа объектлари ишга туширилмоқда. Андижон шаҳрининг Бўстон даҳасида барпо этилган «Камолот» уйлари фойдаланишга топшириш маросими ҳам қўтлуғ тўйга тўйна бўлди. Унда давлат ва жамоатчилик вакиллари, фаоллар, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов йиғилганларни юртимиз ҳаётидаги муҳим сана билан қизгин қутлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг мазмун-моҳияти навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Қарор ижроси доирасида ўтган йили вилоят маркази ҳамда Асака, Балиқчи туманларида 144 та кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилиб, ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз йигирма йил давомида тўлаш шarti билан берилди. Жорий йилда ҳам Андижон шаҳри, Пахтабод ва Шаҳрихон туманларида 202 та ана шундай уй-жойларга фан, таълим, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида муносиб ютуқларга эришган бахтиёр ёшлар кўчиб киради.

Икки ва уч хонали 48 хонадондан иборат янги уй

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсиясига кўра фаол ёш оилаларга берилди.

— Замонавий шароитлар яратилган уй эгаси бўлганлигимиз чексиз қувонч бағишлади, — дейди енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони Нодир Носиров. — Бу ерда фарзандларимиз билан шод-хуррам яшашимиз учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё. Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрликларига жавобан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга, янги ютуқларни қўлга киритишга интиламыз.

— Бугун ўқиб, изланиб, истеъдодини юзага чиқарман, деган ёшлар учун барча имкониятлар яратилган, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Баҳромжон Камолов. — Тавсиянома асосида Россия Ички ишлар вазирлигининг Санкт-Петербург академиясида таҳсил олиб қайтдим. Бор салоҳият ва куч-ғайратимни соҳамизни янада ривожлантиришга бағишлашни ният қилганман. Оиламиз билан уч хонали замонавий уй-жойга эга бўлганимиз онгу тафаккуримизни, ҳаётга муносабатимизни ўзгартирибгина қолмай, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Тadbirkor доирасида янги уй-жойларни барпо этишда фидойилик билан меҳнат қилган «Azia star premium» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорларига вилоят ҳокимлигининг қимматбахо совғалари топширилди.

Нурилло НУЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.

Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.



Раёсат йиғилиши

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни бирлашма кенгаши раиси Улугбек Жалменов олиб борди.

Очиқ ва ошқора таҳлил

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар хусусида ташкилий ишлар бўлими мудири Гулнора Илмурадованинг маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида 308 нафар ёш ва 941 нафар нурунийга жамоа шартномалари орқали иш берувчи ҳамда касба уюшмалари ҳисобидан 638 млн. 588 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 18 нафар фахрий турли сихатҳоҳларда бепул соғломлаштирилди. 688 нафар ходимга йўлланма берилди. Ходимлар саломатлиги йўлида амалга оширилган ишларга 420 млн. 952 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги оромҳоҳларда кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, уларнинг мамлакатимиз шаҳар ва вилоятларидаги сўлим жойларда яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиши учун имкониятлар яратилди. Жумладан, «Меҳрибонлик» уйининг 60 нафар тарбияланувчиси билан эҳтиётхона оилалардан жами 1590 нафар боланинг мириқиб дам олиши таъминланди.

Ўтган даврда меҳнатқашлардан тушган 403 та мурожаат кўриб чиқилиб, 18 та ҳолатда иш берувчиларга таклифлар киритилди ва 2 ариза юзасидан судда даъво ишлари кўзга-тилиб, 10 млн. 227 минг сўм меҳнат ҳақи ундириб берилди. Меҳнат муҳофазаси юзасидан 68 та корхонада амалий ишлар атрофлича ўрганилиб, аниқланган 241 та камчилик касба уюшма аралашуви билан бартараф этилди.

Жойларда касба уюшмаларига аъзоликнинг афзалликлари ва кафолатлари борасида ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Натижада, 664 та ҳўжалик субъектларида 3695 нафар ходимнинг манфаатлари касба уюшмалари муҳофазасига олинди.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Семинар

Фаровон ҳаёт гарови

Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Халқаро меҳнат стандартларини татиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис Виккинг Хусберг, Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, миллий эксперт Шоикром Исроилов, меҳнат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, фермерлар кенгаши, меҳнатни муҳофаза қилиш вақиллари, касба уюшма фаоллари иштирок этди.

Семинар-тренингни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари К.Бекчанов олиб борди. «Халқаро меҳнат стандартларини татиқ этиш» мавзусида сўзга чиққан Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Виккинг Хусберг ХМТнинг ташкил топиш тарихи, давлатимиз томонидан ратификация қилинган Конвенциялар, уларнинг мазмун-моҳияти, кейинги йиллардаги ҳамкорлик ва эришилган натижалар тўғрисида илиқ фикрларни билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ш. Исроилов мамлакатимизда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда 2013 — 2015 йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўқув-семинар давомида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдидилар.

Э.БОЙЖОНОВ, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Ҳаракат дастури амалда

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Самарқанд вилоятида «Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» доирасида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Меҳнат вазирилик, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Саноаттеоконттехназорат» давлат инспекцияси, Савдо-саноат палатаси, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ҳамда Самарқанд вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари ва иш берувчилар иштирок этди.

Семинарни Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев қилиш сўзи билан очиб, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга тўхталди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйган бошланғич ташкилот фаолияти тўғрисида касба уюшмалари мутахассисларининг маърузалари тингланди.

Семинарда 100 дан ортиқ малакали мутахассис ва экспертлар қатнашди. Ходимлар меҳнат жараёнидаги ҳолатнинг омиллари таҳлил қилиниб, мулоҳаза юритилди. Тадбир доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги 22 нафар мутахассис санаторийга бепул йўлланма билан тақдирланди.

Семинар доирасида кўргазма ташкил этилиб, унда корхоналар, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлар ва фермер ҳўжаликлари иштирок этди. Кўргазмада корхоналарда яратилган иш ўринларида хавфсизликни таъминлаш ҳамда зарарли омиллар таъсирида ишловчи ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишига оид материаллар намойиш этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

Бу муқаддас Ватанда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:



Ў.А. суратлари

Халқимизнинг турмуши кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Жумладан, амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йил 1 январга келиб аҳолининг маиший техникалар билан таъминлан-

ганлик даражаси 92,3 фоизга, компьютер билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизга етди. Вилоятда 789 минг фойдаланувчи интернет тармоқлари уланган. Аҳолининг 88 фоизи замонавий рақамли телевидениедан фойдаланмоқда. Бу эса вилоятда хизмат

Қалбда ғурур,

кўрсатиш соҳасининг ҳам барқарор сурьатларда ўсаётганидан далолатдир. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар улуши 2010 йилда 41,5 фоизни ташкил этгани ҳолда 2014 йилга келиб 45 фоизгача кўпайди. 2015 йилда эса вилоят бўйича 5759,9 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Юқори технологик хизматлар қаторида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари жадал ривожланмоқда, бундай хизматлар охириги беш йилда 2,6 баробар, 2015 йил якуни билан эса 22,8 фоизга ўсди. Хизмат бозорига янги пайдо бўлган ва доимий ривожланиб бораётган компютер дастурлаштириш хизмати 2,1 баробарга, технология дастгоҳларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш 1,2 баробарга ўсганлиги соҳадаги жадал ривожланиши кўрсатади.

Аҳолига кўрсатиладиган транспорт хизмати сифатини яхшилаш ва қулай-

ликлар яратиш мақсадида охириги беш йилда 215 та янги йўловчи транспорт (автобус) йўналишлари ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 428 тага етди. Ушбу йўналишларда «СамАвто» корхонасида ишлаб чиқарилган 834 дана «Исузу» русумидаги янги автобуслар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Умуман олганда, олиб борилган ишлар натижасида, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 1622,7 минг сўмни ташкил қилди.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлар эканмиз, ўтган давр мобайнида юртимизда барча соҳаларда амалга оширилган изчил ислохотлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришларни эътиборга олишимиз, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кеча ким эдиғу, бугун ким бўлдиқ, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак, деган

Юртим жамоли

Истиклол йилларида Самарқанд шаҳри янада кўрк очди. Тарихий обидалар атрофи ободонлаштирилиб, кўркам боғ ва хиёбонлар вужудга келди. Шаҳар бўйлаб мусикали фаворалар бунёд этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳаво ҳарорати мўътадиллигини таъминлапти.

— Илгари шаҳримизда икки-учта фавора бор эди. Темир қувурлар шунчаки тешилиб, сув оқибди қўйиларди, — дейди Транспорти, курулиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси раиси Сирожиддин Изатуллоев. — Мустақиллик шарофати билан шаҳарда 43 та фавора барпо қилинди. Унинг 5 таси нури мусикали, 33 таси нури, 5 таси оддий фаворалардир. Вилоят бўйича эса 58 та фавора ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, Университет хиёбони, Шоирлар боғи, Амир Темур хиёбони, Кўксарой майдони, Регистон ва Даҳбед кўчалари чорраҳаси, темир йўл вокзали майдонларидаги мусикали ва нури фаворалар энг гавжум гўшаларга айланиб борапти. Ургант, Пайриқ, Самарқанд, Иштихон, Нуробод, Жомбой туманларида бунёд этилган фаворалар ҳам ўзига оханграбодек тортади. Аслида фаворалар улкан бунёдкорликнинг бир қисми ҳолос. Бугун қадимий кентнинг ҳар бир гўшасида майсазор ва гулзор барпо этиш, дарахтларга шакл бериш, каштан, Япон сафораси, лола дарахти, Қрим соснаси, қора сосна кўчатларини екиш ва парвардилаш тажрибаси шакланган. Ҳисоб китобларга қараганда, 105 гектар кўкаламзорлаштирилган майдон бўлиб, жумладан, 910 минг квадрат метр майдонда яшил майсазорлар ташкил этилган. 300 минг тупдан ортиқ манзарали ва игна баргли дарахтлар, 200 тупдан ортиқ лола дарахти мавжуд.

Ям-яшил майдон ва бетакорор гулу гулзорлар, рангин ва ўйноқи фаворалар дилларга қувонч ва шодлик улашиб, қадим ва ҳамиша навқирон шаҳримиз ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшаётди. Худойберди ЭРТОЕВ, меҳнат фахрийси

Жараён

25 та кўча обод бўлади

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Самарқанддаги тор кўчалар ўрнини кенг ва обод йўللар эгаллади. Кейинги ўн йилда Мирзо Улугбек, Беруний, Бўстонсарой, Регистон, Панжакент, Даҳбед ва бошқа қатор кўчалар тубдан реконструкция қилинди. Эътиборлиси, кўча бўйларидаги иншоотлар замонавий дизайн, Европа ва Шарқ меъморчилиги андозалари асосида бунёд этилди. Ҳозирча эса шаҳар-шамоилга эга иморатлар шаҳар тароватини ошираётди.

— Бундан эллик йил илгари Самарқандда таҳсил олганман, — дейди сурхондарёлик Убайдулло бобо Омонов. — Иш, турмуш ташвишлари билан бўлиб шаҳарга анчадан буюб келмагандим. Уч кундирки, бу ерда меҳмонман. Ешлигимиз ўтган маҳалларда бўлдим. Очиги, ўзгаришларни таърифлаб беришга ожизман. Мустақиллигимиз шарофати ана шу эгзу ишларда акс этиб турибди.

Самарқанд шаҳар ҳокими Акбар Шукровнинг эътирофи эътиҳона, шаҳарда айни кунларда 25 та кўчада таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари еттига етказилмоқда. Юрт иқтиқлоли байрамига муносиб тухфа сифатида бошланган ободонлаштириш ишлари кўлами кенг. Жорий йилнинг

охиригача эса шаҳардаги 33 та кўчани тўлиқ таъмирдан чиқариш мўлжалланмоқда. Ободонлаштириш ишлари кетаётган кўчаларда бажарилаётган ишларга нафақат давлат идоралари, балки оддий фуқаролар ҳам энг шимирлик қиришган. Одамларда ўз гўшасини обод ва кўркам қилишга иштиққ баланд. — Илак йўли кўчасига ёндош маҳаллада истикомат қиламиз, — дейди меҳнат фахрийси Садриддин Аслидинов. — Азим шаҳарда яшаш биз учун фахр, шараф. Шу боис ўз уйимизни, кўчамизни, маҳалламизни обод қилиш фуқаролик бурчимиздир.

Темирйўл вокзалидан Шоҳи Зинда меъморий ёдғорлиги томон йўналган узунлиги қарийб 5 километрлик Ру-

дакий кўчасида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу маскан «ТошБошПлан ЛИТИ» ДУК институти лойиҳаси асосида қайта таъмирланаётди. Лойиҳага кўра кўчанинг эни 44 метрни ташкил этади. Йўл ҳаракати икки томонлама 3 тадан қатор бўлиб, жами 6 қаторда автомобил ҳаракати кўзда тутилаётди. Йўлак қисми 2 – 2,25 метр, бундан ташқари, 2 – 2,75 метр гулзор ва яшил майсазорларга ажратилган. Мазкур худудда ер ости коммуникация тармоқларини янгилаш, янги муҳандислик тармоқларини улаш ва бошқа қатор техник юмушлар рисоладагидек адо этилган.

Вокзалдан Сибё деҳқон бозори олдиғача бўлган масо-



фада шаҳар архитектураси талабларига жавоб бермайдиган, тартибсиз қурилган бино ва иншоотларнинг бари олиб ташланади. Улар ўрнида 12 та кўп қаватли турархўй бинолари, 2 та тиббий диагностика маркази, 2 та автосалон, 3 та фавора ҳамда қатор замонавий тилдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлайди. Бунёдкорлар ана шундай масўулиятли вазифани иштов билан адо этишмоқда. Бир сўз билан айтганда, Рудакий кўчаси том маънода яшариб, Самарқандда ҳамма хавас қиладиган гўшага айланади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касба уюшмалари мустақиллик йилларида

Истиклол моҳиятини теранроқ тушуниш, у тўфайли эришилган ютуқлар тўғрисида мушоҳада қилиш учун собиқ тузум даврида кечган ҳаётимизни эслаш кифоя деб ўйлайман. Ўтган аср охирида мамлакатимизнинг кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетганлигини яхши биламиз. Узокни ўйламай, балки қасддан олиб борилган сибёст натижасида вайрон этилган иқтисодиётни 25 йиллик қисқа муддат ичида тиклашнинг ўзи бўлгани йўқ. Меҳнатқаш халқимизнинг донишманд раҳбар бошчилиғидаги тинимсиз ҳаракатлари, изчил ислохотлар жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда муҳим рол ўйнади.

Истиклол йилларида ҳукуматимизнинг ижтимоий муҳофазага йўғрилган ташаббуслари халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватлаб келинаётди. Аҳоли турмуш фаровонлиги кескин юксалди. Қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароити яратилмоқда. Меҳнатқашлар замонавий корхоналарда, муносиб меҳнат шароитида ишлаш имкониятидан баҳраманд бўлишапти. Фуқаролик жамияти ва демократик институтларни ривожлантириш ҳисобига жамоат ташкилотлари фаолияти, жумладан, касба уюшмалари саъй-ҳаракатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Давлат бошқаруви идоралари билан жамоат ташкилотларининг ижтимоий масалалар юзасидан ҳамкорлиги ривожланди. Мисол учун, мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув, вилоят миқёсидаги уч томонлама худудий келишув ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар билан касба уюшма ташкилотлари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари орқали меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келинапти.

Биргина Самарқанд вилоятида 12 минг 139 та юридик шахс мақомига эга ҳўжалик субъектидан 11 минг 680 тасида жамоа шартномалари тузилган. Қамров

Ҳар томонлама

96,2 фоизни ташкил этади. Йилдан-йилга меъёрий ҳужатни такомиллаштириш, афзалликлар миқдорини ошириш чоратадбирлари қўрилаяпти. Ўтган йили жамоа шартномаларига ўртача 91-92 тадан бандлар киритилиб, ҳар бир ходимга иш берувчи ҳисобидан сарфланган маблағ ўртача 643175 сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бевосита касба уюшмалари саъй-ҳаракати билан жамоа шартномаларидаги тадбирлар сони ўртача 113-125 тага, ходим учун сарфланган маблағ 1 млн. 248 минг сўмга етказилишига эришилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, кичик корхоналар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш тўғрисидаги таклиф де-

та янги иш ўрни яратилди. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш йўлида кенг қўллами ишлар амалга ошириб келинаётди. 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» дея аталган амалида ҳам ана шу улғу мақсадларни амалга ошириш ётади. Касба уюшмалари йил дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида шартнома ва келишувлар орқали барча манбалар ҳисобидан ижтимоий ҳимояга катта маблағлар йўналтирилди. 152 нафар боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 330 та ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 83 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафталиги 35 соатдан ошмайди қилиб белгиланди. Меҳнатқашлар ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш, ишчи-хо-

азиздир инсон!

шижоат билан

саволларни ўзимизга беришимиз лозим. Албатта, 25 йил тарих олдида жуда қисқа муддат. Лекин инсон умри билан қиёслаганда бу вақт камолотга етиш учун етарли фурсат. Она Ватанимиз — Ўзбекистонимиз ҳам ана шу тарихан қисқа вақт ичида халқаро майдонда ўз муносиб ўрни ва нуфузига эга бўлиб, тараққиёт босқичига чиқди. Иқтисодий жадвал ривожланган давлатлар қаторига кирди.

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Энг улғу байрамимизни «Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош гоа асосида нишонлаш жараёнида ушбу сўзлар замирида муҳассас бўлган фикрларни халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш гоат муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, мустақиллик туфайли юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг таъминлангани, халқимиз ҳаётининг тубдан ўзгаргани, миллий анъана ва қадриятларнинг, бой миллий маданият ва маънавиятимизнинг тиклангани, одамларнинг бугунги ҳаётининг розилиги ва келажакка ишончи ортиб бораётгани, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда эришган натижаларимизни ҳар бир ҳудуд, керак бўлса, маҳалла, оила мисолида аниқ мисолларда тушунтириб бериш, юртдошларимиз билан самимий мулоқотга киришиш лозим.

Кейинги 11 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 8 фоиздан кам бўлмай ўсаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг йил сайин обод бўлиб, халқимиз турмуш даражасининг ошириб бораётгани, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар туфайли бугун дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги энг глобал муаммо бўлиб турган

бир пайтда юртимиз бозорларида тўқин-сочинлик таъминлангани, ҳатто, бу борада мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошириб бораётгани ҳар бир юртдошимиз қалбидеги ифтихорни кучайтириши табиий.

Муҳтарам Президентимизнинг қарорларидан келиб чиқиб ташкил этилган вилоят тарғибот гуруҳи шу каби мавзулар юзасидан кенг аҳоли қатлами иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва адабий кечалар ўтказилмоқда. Айни кунларда вилоятимиздаги таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида Президентимизнинг «Она юртимиз бахту қишлоқ ва буюк келажакки йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли асар юзасидан ўтказилаётган кўрик-танлов ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмоқда. Энг улғу, энг азиз байрамимиз муносабати билан вилоятимизда яна ўнга яқин шундай танловлар ўтказилади.

Муҳтасар айтганда, самарқандлик ҳар бир юртдошимиз, шу муқаддас заминда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон истиқлолнинг ҳаёти, турмуш тарзида ўз ифодасини топаётганидан руҳланиб, ҳаётга шукрона айтиб, байрамга муносиб ҳозирлик кўрмоқда.

**Зоир МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Самарқанд вилояти ҳокими**

Саноат

Юксалиш пиллапоялари

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида кўпла завод ва фабрикалар инқирозга юз туғганини кеска авлод яхши эслайди. Самарқанддаги «8-Март» тикув ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларига ҳам ана шу бўҳронлар натижасида талаб кескин камайиб кетди. Муассаса цехлари эшикларига бирин-кетин кўлф илинди. Ходимларни қисқартириш ёки номазлум муддатга ўз ҳисобидан таътилга жўнатиш одат тусига кирди.

Мустақиллик туфайли вазиёт ўзгарди. Иқтисодий жиҳатдан оқсаб қолган корхоналарни оёққа турғазди, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан тинимсиз ва тизимли ислохотлар бошлаб юборилди. Амалга оширилган ислохотлар, инвестицион лойиҳалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш дастурлари улариқ «8-Март»нинг ҳам қуввати жайтадан тикланди. Маҳсулот сифати ва ҳажми аста-секин юқорилаб борди. Корхона таркибиде «Зарафшон текстил», «Афросиёб жеанс» масъулияти чекланган жамиятларига асос солинди. Айни пайтда меҳнат жамоаларида 1650 нафардан ортиқ қўли гул черварлар фаолият кўрсатмоқ-

да. Экспорт ва ички бозорга етказиб берилаётган бекжирим кийим-кечаклар ўз харидорини топаётти. Меҳнат унумдорлигига эришилган жойда ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланиши ҳам яхшиланади. Корхона маъмурияти ҳамда касабаси уюшма бошланғич ташкилот хамкорлиқда қўлай меҳнат шaroитини яратиб бериш устида тинимсиз иш олиб бораётти. Ҳар бир ходим учун алоҳида махсус шкаф, иссиқ, совуқ сув билан таъминланган ювиниш хоналари, телевизор, кондиционер, юмшоқ жиҳозлар, республикамизда чоп этиладиган даврий нашрлар билан таъминланган дам олиш, стол теннис хоналари мавжуд. Ошхонада меҳнаткаш-

ларга бепул иссиқ овқат тайёрланади. «8-Март»да тиббий бўлим ташкил этилган бўлиб, бу ерда олий маълумотли шифокор ва малакали ҳамширалар фаолият юритади. Барча цехларда санитария меъёрлари, ходимлар саломатлиги устидан назорат олиб борилади. Кўрсатилган тиббий ёрдам ва дори-дармонлар харажати корхона ҳисобидан қопланади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 936 нафар ходим ана шундай имтиёздан фойдаланди. Цехларда ишлаб чиқариш гимнастикаси машғулотлари мунтазам олиб борилади. Спорт билан шуғулланиш учун шaroит яратиб берил-

ган. Ходимларни мамлакатимиз бўйлаб туристик сафарларга олиб чиқиш ҳам режалар тарзда ташкил этилмоқда. Яқинда ишлаб чиқаришда намуна кўрсатган 45 нафар ходимнинг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди. Меҳнаткашларга эътибор яхшиланганлиги боис ютуқлар ҳам тобора мустаҳкамлашиб бораётти.

**Дилбар МУСТАФОҚУЛОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси**

димлар ва ёшлар онгига ватанпарварлик ва миллий гоғни сингдириш, жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб қилиш орқали спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида режалар ишлаб олиб боришмоқда.

Жумладан, «Касаба уюшмалари — болаларга», «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга», «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциялари доирасида ижти-

зиллар, тарихий шаҳар ва қадамжолар ҳақидаги тасаввурини бойитиш мақсадида ички туризм йўналишидаги саёҳатлар муҳим аҳамият касб этаётти. Бу борада корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимлардан 2084 нафарининг Самарқандга, 1610 нафарининг Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Спорт — саломатлик гарови, дейишди. ЎзКУФК ташаббуси билан қатор оммавий спорт тадбирлари ўтказиб ке-

кам иш ҳақининг бир баравари миқдориде 6 ойга тайинланади ва ярим йил муддатга бир йўла тўланади.

Болаларни соғломлаштириш, ёзги таътил кунлари мароқли ўтиши ҳам касабаси уюшмаларига дахлдор масала. 2016 йилги мавсумда вилоятда жами 22 миңг 700 нафар, шундан 24 та шаҳардан ташқари (стационар) оромгоҳда 11 миңг 200 нафар, 55 та кундузги оромгоҳда 11 миңг 500 нафар бола соғломлаштирилди. Ушбу масканларда фаолият кўрсатаётган барча ходимлар танлов асосида жалб этилди. Болажонлар ҳордиқ чиқариш даврида энг малакали мутахассислар хизматидан баҳраманд бўлишаётти.

**Маҳмуд БОБОЁРОВ,
Самарқанд вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

кўмак улашиб

мой муҳофазага доир туркум тадбирлар ўтказилди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 26 нафар ҳарбий хизматчи оилаларига моддий ёрдам ажратилди. Вилоятдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган илгор ҳарбий аёлларнинг 10 нафари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларнинг 69 нафари, муддатли ҳарбий хизматга қақрилувчи фуқароларнинг 208 нафарига касабаси уюшмаларининг совғалари топширилди.

«Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар тақдирланди. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Самарқанд давлат драма ва мусиқа театрига 500 нафар хотин-қизнинг ташрифи уюштирилди. Иқкинчи жаҳон урушида иштирок этган 200 нафар фахрийга пул муқофотлари топширилди. Ходимларнинг юртимиздаги обод ман-

линаётгани бежиз эмас. Унга қўшимча равишда Пахтачи туманида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафони ва Қўшрабат туманидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида югуриш марафонларини ташкил этиди. Марафонларда 400 нафардан зиёд меҳнаткаш иштирок этди.

Талабалар, ўқувчи ёшлар камолоти касабаси уюшмалари назаридан бир зум ҳам четда қолгани йўқ. Улар жамоат ташкилоти томонидан рағбатлантириб келинмоқда. Жорий йилда касабаси уюшмаларининг стипендияси вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида аъло баҳоларга ўқиётган, ўқув юрти ва касабаси уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган талаба-ўқувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида ташкил этилади. Касаба уюшмалари стипендияси ўқув йили якуни натижаларига кўра республикада ўрнатилган энг



Қўшақифани «Ishonch» муҳбирлари Нурилла ШАМСИЕВ ҳамда Улуғбек ИБОДИНОВ тайёрлади.

Юридик ойна



Мурожаат ортида инсон тақдири

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг ягона ва марказлашган тартибини жорий этиш, касабаси уюшмаларига келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш мақсадида murojaat.kasaba.uz махсус марказлашган онлайн тизим яратилди.

Ҳозирда Федерация Кенгаши аппарати, Юридик клиника, тармоқ касабаси уюшмаларининг Республика ҳамда барча ҳудудий касабаси уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашларида мазкур тизимдан фойдаланилмоқда.

Юридик клиникага фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар Федерация портали ҳамда клиника сайтыда мунтазам ёритиб борилиши йўлга қўйилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида касабаси уюшмаларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 3404 та, шундан 1363 та ёзма, 1095 та оғзаки ва 161 та интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги мурожаат келиб тушган. «Ишонч телефонлари» орқали йўланган 785 та мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 571 таси қаноатлантирилди, 2239 таси бўйича муаллифларга тушунтириш берилди. Касаба уюшмалари ташкилотларининг аралашуви билан гайриқонуний равишда ишдан бўшатилган 145 нафар ходим аввалги лавозимига тикланди. Ходимларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 129 та тақдимноманинг 82 таси қаноатлантирилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартафат этилди. Кирилган тақдимномаларнинг 13 таси иш берувчилар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб судларга киритилган 47 та даъво ва буйруқ тартибидеги аризалардан 13 тасининг талаблари қаноатлантирилган, 8 та ҳолатда иш берувчилар ўз ихтиёри билан ходимнинг ҳуқуқларини тиклаганлиги сабабли даъводан воз кечилиб, тартафлар ўртасида келишув битимлари тузилган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 559 нафар шахсининг ҳуқуқи тикланиб, ходимлар фойдасига 601 млн. 650 миң сўм зарар ундирилишига эришилган.

Масалан, Уйчи тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидеги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари Б.Юсупов ва Ш.Эшбоевнинг меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан сохта ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги аниқланди. Қонун бузилишини бартафат этиш тўғрисида тақдимнома киритилган бўлсада, иш берувчи томонидан ундаги талаблар рад этилди.

Ходимлар манфаатини кўзлаб ишга тиклаш ва мажбурий прогуд учун ҳақ ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Уйчи туманларо судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилди. Б.Юсупов ва Ш.Эшбоев аввалги лавозимларига тикланиб, мажбурий прогуд учун 6.500 миңг сўм ҳақ ундирилиши белгиланди.

Фаргона вилоят шoшилиқ тез тиббий ёрдам маркази врачлари А.Фатхуллоев, марказ лаборанти М.Жуманиязова, Гурлан туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Бўзқалъа» ҚВП ҳамшираси З.Иноятовнинг маъмурият томонидан тўлиқ иш ҳажми билан таъминланмасдан, меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги ёки Қосонсой туман иқтисодий ва сервис касб-хўнар коллежи ходими О.Ҳамроевнинг хомилдорлик ва туғиш таътили учун ҳисобланган пуллари тўланмаганлиги тўғрисидаги мурожаатлари ҳам атрофича ўрганилиб, иш берувчи билан олиб бориладиган музокара натижасида ижобий ҳал этилди.

Соҳада қонун ижодкорлигининг вазибаларини белгилаш асосида касабаси уюшмалари томонидан ННТ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ходимларнинг ижтимоий сугуртаси, пенсия таъминоти, ижтимоий меҳнат ва маданий ҳуқуқлари ҳимояси механизминини ривожлантириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари тарғиботини янада кучайтириш мақсадида вазирилик, идораларнинг нафақат марказий малака ошириш муассасаларида, балки улар тизимидеги ташкилотларда ҳам Федерация Кенгаши ва Халқаро меҳнат ташкилоти хамкорлигида вазирилик, идора, жамоат ташкилотларининг 40 нафар малакали мутахассиси учун «Меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар ва уларни амалга ошириш борасидаги вазифарлар» мавзусида семинар тренинг ташкил қилинди.

Бундан ташқари, халқаро ва миллий меҳнат стандартларини тарғиб этишда интерактив усуллар кенг жорий этилиб, жорий йилда Юридик клиника веб-сайтида аҳолининг барча тоифалари учун илк бор «Меҳнат кодексини билансизми?» онлайн викторинаси, ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ўқувчилари учун эса «Меҳнат ҳуқуқи» фанидан онлайн фан олимпиадаси ўтказилди.

Фолиблар Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланади.

**Дилшод АБДУҚОДИРОВ,
ЎЗКУФК юридик бўлими етакчи мутахассиси**

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Юртининг шонли полвонлари

(1).
Олимпия ўйинларини мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари ҳам галаба билан бошлади. Боксчиларимиз орасида биринчи бўлиб рингга кўтарилган Хуршид Тожиев қатарлик Хокон Эрескер билан кечган бахсда рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 3:0 ҳисобида зафар кучиб, нимчорак финалга чиқди. Энди у 9 август кuni бўлиб ўтадиган нимчорак финал бахсида Буюк британиялик Жозеф Кордина билан куч синашади.
69 кг. гача бўлган боксчилар бахсида қатнашаётган Шахрам Гиёсов

ҳам ўзининг дастлабки галабасини нишонлади. У испаниялик Йоуба Ндье Сиссокони енгди. Энди Шахрам навбатдаги жангини литвалик Эймонтас Станионисга қарши ўтказди.
Стол тенниси бўйича мусобақанинг иккинчи даврасида ҳамюртимиз Зоҳид Кенжаев Олимпия ўйинларидаги иштирокига яқун ясади. У жаҳоннинг 28-ракеткаси, Буюк британиялик Лиам Питчфорддан мағлубиятга учради.
Дарвоқе, энг қутилмаган натижалар теннис бўйича қайд этилмоқда. Опа-сингил Винус ва Серена Уилямслар жуфтликдаги фаолиятларида илк бор Олимпиада бахсларида мағлубият аламини татиб кўришди.
Улар биринчи даврадаёқ чехиялик теннисчилар — Люси Шафаржова ва Барбора Стрцова жуфтликда 3:6, 4:6 ҳисобида имкониятни бой беришди. Опа-сингиллар Сидней (2000), Пекин (2008) ва Лондон (2012) Олимпиадаларида олтин медалларни қўлга киритган эди.
Яна бир шов-шувли натижа эркаклар ўртасидаги бахсларда қайд этилди. Дунёнинг биринчи ракеткаси Новак Жоквич илк даврадаёқ мағлубиятга учраб, Олимпиадада иштирокини яқунлади. Сербиялик теннисчи узок вақт жароҳат сабаб теннисдан йироқда бўлган аргентиналик Хуан Мартин Дел Потрога икки сетда ҳам тай-брекларда 6:7, 6:7 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Оммавий спорт

«Сўқоқ»да футбол байрами

Тошкент вилоятининг сўлим гўшларидан бири бўлиш «Сўқоқ» қишлоғида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, маҳалла ёшлари ўртасида футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда ўн икки жамоа ўзаро куч синашди.



деди «Сўқоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тожиддин Азимбоев. — Улар ўртасида мунтазам уюштирилган турли мусобақалар ёшларни спортга кенг жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва интилишини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.
— Иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса янгидан-янг истеъдодларни кашф этиш демакдир. Қишлоқ жойларида спортнинг кенг қулоқ ёйиши фақат фойдамизга хизмат қилади деб ишонаман, — деди мусобақанинг ташкил этилишига бош-қўш бўлган Нишонли Назаров.

Мусобақада барча рақибларини мағлубиятга учратган «Чашма» маҳалласининг «Кунгай» ва «Бешқўча» жамоалари финал бахсида бош соврин учун майдонга тушди. Қизикарли ўтган ўйинда «Кунгай» жамоаси аъзолари рақибларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.
— Мусобақада галаба қозонганимиздан хурсандимиз, — деди «Кунгай» жамоаси аъзоси Отабек Одилонов. — Бундай мусобақалар қишлоқ ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилади.
Яқунда голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

Банк ва миқоз

Мустақкам асос – улкан самара



Халқимиз катта шодибна билан энг улуг, энг азиз айём — давлатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллигини қизгин кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Ана шу шуқули дамларда юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари назар солиб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Дарҳақиқат, ўтган чорак аср жамиятимиз ҳаётида изчил ўзгариш ва туб янгиланишлар даври бўлди. Собик тузумдан мерос қолган заиф иқтисодий тикланиб, ижтимоий беқарорликка барҳам берилди, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантиришга, таълим-тарбия, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор қаратилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида халқимиз турмуш даражаси юксалишига эришилди.


Айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган бекиёс ютуқ ва марраларга асос бўлмоқда. Ушбу жараёнда иқтисодийнинг муҳим бўлини бўлган банк тизими ташкил этиш, уни ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш ҳам босқичма-босқич амалга оширилиб, қўлга киритилган бекиёс ютуқларимизнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамиз банк тизими фаолияти етакчи халқаро «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби рейтинг агентликларини томонидан ижобий баҳоланаётганлиги бежизга эмас.

Жумладан, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилган ишлар фикри-

миз тасдиғи бўла олади. Тадбиркорлик ва ишбилармонликни янада ривожлантириш, деҳқон ва фермерлик ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламдаги фаолият бугун ўз самарасини бераётир. Қувончли, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида «Мудис» ва «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг агентликларини банкнинг амалий ишларини «барқарор» дея қайта баҳолади.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур молия муассасаси томонидан санат, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратмоқда. Мисол учун, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида иқтисодийнинг турли йўналишларидаги тадбирларни молиялаштиришга жами 2 триллион 657 миллиард сўм, шундан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 997 миллиард сўм кредитлар ажратилди.



Энг муҳими, банк томонидан молиялаштирилган турли истиқболли лойиҳалар ҳисобидан ҳудудларда 15 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.
Бу борадаги ишлар банкнинг вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан ҳам олиб борилаётир. Буни

Реклама ўрнида



«Агробанк» АТБнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ва филиаллари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Банк бошқармаси 2016 йилнинг 1 август ҳолатига турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 294,751 миллион сўмдан зиёд кредит маблағи ажратди.

— Автомобилларга сервис хизмат кўрсатишни йўлга қўйишимизда «Агробанк»нинг «Термис» филиалдан берилган 200 миллион сўм маблағ асқотди, — дейди «АГТКШ Муштарий» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳон Алибеков. — Сармос эвазига корхонага зарур ускуналар келтирилиб, сифатли хизмат йўлга қўйилди. Шу билан бирга, 6 киши ишли бўлди.

— Юртимизда юз бераётган мислсиз ўзгаришлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан дилларимиз қувонга тўлмоқда, — дейди «Хамид Файз Универсал» МЧЖ раҳбари Муродилло Тоғаев.

— Тадбиркорлар қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Бу қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани, ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида «Агробанк»нинг Денов филиалига муружаат қилганимизда, бизнес-лойиҳамиз ходимлар томонидан қисқа муддат ичида кўриб чиқилиб, 280 миллион сўмлик кредит берилди. Ушбу маблағ ҳисобидан туман аҳолисига сервис хизмати кўрсатишга эришилди. Ушбу маблағ сабаб 12 кишининг бандлиғи таъминланди.

Муҳими, иқтисодийнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар самараси турмуш тарзимизда ўз ифодасини топмоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.
Хизматлар лицензияланган.



«ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

ЧАЙНВОРД 1. XXXI Олимпия ўйинлари бўлиб ўтаётган мамлакат. **2.** Олисга улоқтириш анжومي. **3.** Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган халқаро замонавий спорт мусобақалари. **4.** Олимпия ўйинлари ватани. **5.** Куч ва чаққонлик спорт турлари мажмуи. **6.** Олимпия ўйинлари чемпиони, ўзбек боксчиси. **7.** Тўпчи спорт ўйини. **8.** Олимпия ўйинлари энг кўп бор ўтказилган пойтахт. **9.** Терма жамоа таркибида иштирок этишга тавсия қилинган спортчи. **10.** 2004 йил Афинада ўтказилган Олимпия ўйинларида юн-орум қураши бўйича олтин медалга сазовор бўлган ватандошимиз. **11.** Олимпия ўйинларида энг биринчи бўлиб иштирок этган ўзбек чавандози. **12.** Транспорт воситаси билан пойга мусобақалари ўтказиладиган махсус майдон. **13.** XX Олимпия ўйинлари ўтказилган Европадаги шаҳар. **14.** Боксдаги ҳолат. **15.** Футбол ўйини қисми. **16.** Мусобақага тайёргарлик жараёни. **17.** Тигли спорт қуроллари асосида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа. **18.** Миллий спортимиз. **19.** Ижродаги тезлик. **20.** Рингда ўтадиган беллашув. **21.** Сув спорти. **22.** Оғир атлетика. **23.** Спорт майдони. **24.** Қадимда пойга мусобақаларида фойдаланилган транспорт воситаси. **25.** VII Олимпия ўйинлари бўлиб ўтган шаҳар. **26.** Мерган мўлжалга оладиган белги. **27.** Олисга улоқтириш анжومي. **28.** Гимнастика

ка машқлари спортчиси. **29.** Машқ ўтказишда қоида, изчиллик. **30.** Жамоа бўлиб ўйналадиган спорт тури. **31.** Бадий гимнастика анжومي. **32.** Футболдаги ҳолат. **33.** Ўзбекистон Олимпия шон-шўхрати музейи жойлашган шаҳар. **34.** Ўзбек кураши, жаҳон чемпиони, олимпия ўйинлари совриндори. **35.** Пойгада кўрсаткич асоси. **36.** Спорт ўйини. **37.** Пойганинг бошланishi пайти. **38.** Даврлари мусобақада бир кўр ўйин. **39.** Бокс майдони. **40.** Соғлиқни мустаҳкамлашга асос бўлувчи спорт тури.
МУАММОНОМА. Калит сўзлар: **1.** Ватанимизда таниқли бокс мураббийи — **14, 5, 10.**
2. Мусобақада эришилган энг юқори натижа — **2, 3, 12, 1, 2, 11.**
3. Спортчи учун муҳим ҳолат, жисмоний қувват — **12, 13, 16.**
4. Футболдаги жарима тўпи — **17, 3, 10, 8, 9, 18, 6, 5.**
5. Тўп тепилиши — **15, 8, 2, 7, 8.**
6. Тигли спорт қуроли — **4, 5, 9, 5, 16.**
Энди калит сўзлари жавобларидаги харфлар орқали шакл атрофи ва ўрта қисмидаги рақамларда яширилган муаммонома ҳал этинг. Бунда улардан олимпия ўйинлари шиори ва олимпиада ташаббускорини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

Соғломлаштириш

Болалар — юрт келажаги. Бу эса доимо эътиборли бўлишни тақозо этади.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари Наманган вилоят Бирлашган касабаси уюшма қўмитаси ташкилотларида фаолият олиб бораётган меҳнаткашларнинг 70 нафар фарзанди Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» болалар дам олиш масканида ҳордиқ чиқармоқда.

— Аввал ҳам бу оромгоҳга келганман. Меҳрибон тарбиячиларнинг гамхўрлиги ва бир-биридан қизикарли тадбирлар туфайли ҳар бир кунимиз сермазмун ўтаётир, — дейди Одина Тоҳиржоновна.

Ф.ЭРМАТОВА

MUASSIS:



O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyeva, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-84-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Bukuro ko'chas, 24-uy

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev

Navbatchi:

J. Ergoshev

Musohih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi:

H. Abdullallov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Karxona manzili:

Buyuk Turan ko'chas, 41-uy.

Gazeta ishlohnining kompyuter markazida teritiladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma toboq.

Buyurtma G — 815.

14176 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 700 1, ATB «Innoteka Bank» Yanozobod filiali, Bank kodi: 00959, STIR: 201133880, OKONX: 87100

Bosishga topshirish vaqti — 22:20

Topshirildi — 22:40

1 2 4 5 6